

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВ ТўРА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-МЕТОДОЛОГИК
МАСАЛАЛАРИ**

23.00.01—Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) наук

Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Норбоев Тўра

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг
концептуал-методологик масалалари..... 3

Норбоев Тура

Концептуально-методологические вопросы развития
гражданского общества в Узбекистане 33

Norbоеv Tura

Conceptual and methodological issues of the development of civil
society in Uzbekistan 63

Эъдон қилниган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВ ТЎРА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-МЕТОДОЛОГИК
МАСАЛАЛАРИ**

23.00.01–Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Siyos20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайти (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали(www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эргашев Ибодулла
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғойибназаров Шухрат Ғойибназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Идинов Улуғбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» 04 кuni соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-52-74, факс: (99871) 246-02-24), e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-04. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 04 кuni тарқатилди.
(2021 йил «14» 04 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



Ш.И. Пахрутдинов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с. ф. д., профессор

К.М.Мирзаахмедов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф. д. (PhD)

Б.Т. Тўйчиев,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф. ф. д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб, жаҳоннинг кўпгина давлатларида демократик жараёнларни жадаллаштириш, шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уни янада такомиллаштириш учун давлатнинг демократик институтлари фаолиятида самарали механизмларни қўллаш амалиёти янада кучаймоқда. Натижада, эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш жаҳоннинг тараққий этаётган аксарият давлатлари учун ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, давлат ва жамият бошқаруви тизимини замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятини инобатга олган ҳолда доимий равишда модернизациялаш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги илмий марказлар томонидан жамиятни янада демократлаштириш, унда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда глобаллашув ва модернизациялаш жараёни шиддат билан кечаётган бугунги кунда “миллий ривожланиш”, “миллий моделлар”, “сиёсий модернизация”, “фуқаролик жамияти” парадигмаларининг методологик асосларига оид ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги концептуал қарашлар ҳам мавжуд. Уларда мамлакатни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асосларини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш, миллий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда универсал моделларни ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш билан боғлиқ кенг камровли сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири сифатида давлат бошқарувини демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ушбу масаланинг ахамиятини ифодалайди. “Фуқаролик жамияти барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади”¹. Шу боис, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асосларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимынми катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2017. 44-б.

этилатганлигини сиёсий-фалсафий тадқиқ этиш илмий назарий ҳадимиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодийetni ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 2019 йил 30 октябрдаги ПҚ-4501-сон “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодийет ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа метъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодийetni модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, ижтимоий онгнинг имманент хусусиятлари ва ўзгариш қонуниятларини концептуал-методологик асосларини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for the study of Religion, Economics and Society, Institute research social opinion of Gallup, Centre research civil society of University name Johns Hopkins (АҚШ), Institute of Contemporary Arts (Англия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия), Institute of Academy for study modern international relations Europe

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, www.ucecentralasia.org, www.nti.org, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk/nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.wikipedia.org>, <https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.uni-freiburg.de, www.csis.org, www.iips.org/en/, riss.ru, www.chinacenter.net, www.kisl.kz, uzstrateg.info, www.ifs.uni-frankfurt.de, centralasiaprogram.org, www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz, www.nit.uz ва бошқа манбалар асосидан ишлаб чиқилган.

and Asia (Хитой), Osaka University (Япония), Seoul of National University (Жанубий Корея), Сиёсий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш фонди, Фуқаролик жамияти ва маҳаллий бошқарувни ривожлантириш институти (Россия), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалаларига оид олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: демократлашув шароитида давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ этиш, глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик муаммолари бўйича, “социал-демократик”, “либерал-демократик”, “цивилизацион” концепциялар мавжуд (Institute Gellap for publisher disput, АҚШ, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия); фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий ва сиёсий муносабатларга оид кўп чизиқли моделлар (Center of International investigations of Oxford University, Буюк Британия, Center of scientific investigation of Central Asia, АҚШ, The China Research Center, Хитой, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия) таҳлил этилиб, такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асосларининг демократик, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатлари халқаро экспертлар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар асосида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан назарий жиҳатдан такомиллаштирилмоқда.

Дунёда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва унинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

сиёсий тизимни демократлаштириш жараёнларида учинчи сектор омилини кучайтириш масалалари;

жамиятни сиёсий модернизациялашда фуқаровий маданиятни ривожлантиришни тенденциялаштириш;

фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари фаолиятида иштирокини кенгайтиришда, фуқаролик жамияти нисбатан анча ривожланган давлатлар тажрибаларининг муҳим жиҳатларини қиёсий ўрганиш асосида модернизациялаш ва миллий ўзликни англашда фуқаролик жамияти институтларининг тарихий меросни тиклаш, ёшларни миллий-маънавий меросга содиқ қилиб, Ватанга дахлдорлик ҳиссини юксалтиришдаги ролини кучайтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан демократлаштиришнинг назарияси ва амалиёти, эволюцияси, истиқболларини башоратлаш, мазкур жараённи етакчи давлатлар тажрибаси асосида қиёсий тадқиқ этиш муаммонинг ўрганилганлик даражасига мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло

Каримовнинг мамлакатни модернизациялашнинг назарий асоси бўлган “Ўзбек модели”, илмий-методологик манба сифатидаги асарлари³, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари⁴, хусусан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, “2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари кенг қўламли ислохотларни олиб бориш борасидаги ғоялари ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилса, соҳага оид қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг услубий базаси бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти ва давлат ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатлари қадим замонлардаёқ Суқрот, Афлотун, Аристотель, Цицерон томонидан ўрганилган. Шарқда Конфуций, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа алломалар асарларида⁵ жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларини сиёсий-фалсафий тизимли таҳлил қилиш асосида жамият сиёсий тизимини шакллантириш услубияти, тизимлари ва жараёнлари ривожлантирилган.

Ўрта асрларда Н.Макиавелли, янги даврда Ж.Боден, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гегель, М.Вебер асарларида давлат ва жамият муносабатларига доир сиёсий қарашлар такомиллаштирилган. Анъанавий жамиятларнинг индустриаллашиши натижасида янги давр одамлари онгидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнининг моҳияти очиқ берилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг масалалари ва унинг дастлабки босқичида, асосан, демократик асослари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. А.Саидов, Ш.Пахрутдинов, Х.Одилқориев, И.Эргашев, Б.Тўйчиев, Н.Жўраев, У.Идиров, Ш.Ғойибназаров, Ш.Мамадалиев, М.Қирғизбоев, А.Қодиров, Т.Алимардонов, В.Алимасов, Ф.Равшанов, Б.Омонов, Н.Назаров, А.Ўтамуродовлар тадқиқотларида фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрларни ўрганиш зарурияти лозимлигини таъкидлаш керак.

³ Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2016.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2017, Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва нисон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017, Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2018. Мирзиёев Ш.М. Ниёти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2019, Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2020.

⁵ Маъжур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да берилган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид изланишлар нафақат мамлакатимиз, балки МДХ, Ғарб давлатлари, АҚШ тадқиқотчилари томонидан:

демократик принцип ва режимлар тизими билан боғлиқ ҳолдалиги;

сиёсат фалсафаси, киёсий сиёсатшунослик фанлари нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фуқаролик жамиятининг фундаментал асоси сифатида ҳамда улар ўртасидаги муносабатларнинг таҳлили;

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро монандлик ҳамда бир-бирини тақозо этиш жараёнларининг асосий тенденциялари;

ҳокимиятларнинг бўлиниш назарияси ва ўзаро тийиб туриш принципи билан боғлиқлиги;

парламент даражасидаги кўппартиявийлик тизими принципи асосида можаритар сайлов тизимининг шаклланиши;

фуқаролик жамиятининг хусусий мулк билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг иқтисодий асослари ўрганилмоқда.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида миллий ғоя, миллий манфаат, миллий ривожланиш, ўтиш даври стратегияси, сиёсий етакчилик муаммолари жумладан, демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари, глобаллашув ва миллат, Марказий Осиёда минтақавий интеграцион муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон омили, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш, сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати, сиёсат ва ахлоқ, ислом жамиятлари модернизацияси, янги индустриалашган давлатлар тараққиётининг сиёсий омилларига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳимоя қилиндики, улар тадқиқотнинг назарий-эмпирик базасини мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муштараклиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсоният тарихий цивилизацияси тараққиёти сиёсий тафаккурида фуқаролик жамияти ғоясининг генезиси ва шаклланиш эволюцияси босқичлари ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг концептуал-методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалалари, “фуқаролик жамияти” тушунчаси, генезиси ва ривожланиш босқичларини тизимли ўрганиш;

фуқаролик жамиятининг демократик тамойиллар ва институтлар билан ўзаро боғлиқлигининг назарий ва амалий жиҳатларини илмий асослаш;

фуқаролик жамияти асослари ва институтлари шаклланишининг ўзига хос механизмларини қиёсий таҳлил этиш;

давлат ва жамият ривожланиш стратегиясида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини асослаш;

фуқаролик жамияти ривожининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий механизмлари ҳозирги замон эркин иқтисодий зоналарининг ўрнини таҳлил этиш ва аниқлаш;

демократик сиёсий плюрализм шароитида фуқаролик жамияти ривожининг кўппартиявийлик асосида сайловлар тизимига боғлиқлигини ўрганиш;

фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси бўлган “ўрта мулкдорлар қатлами”ни шакллантиришнинг барқарор тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти ортиб боришини кўрсатиш;

фуқаролик жамияти ривожидида жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда Ғарб демократияси ва Шарқ кадриятлари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш тенденцияларини аниқлаш;

фуқаролик жамияти ривожидида парламент даражасида конструктив сиёсий муҳолифатнинг шаклланиш зарурияти, унинг фаолиятини объектив танқидий таҳлил этиш;

фуқаролик жамияти ривожланишида асосий тўсиқ бўлаётган “коррупция” ва “яширин иқтисодийёт”нинг олдини олиш механизмларини ўрганиш;

глобал ўзгаришлар шароитида меҳнат миграциясининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон мисолида мавжуд муаммоларни қиёсий таққослаш асосида айрим тақлиф ва хулосаларни тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий сиёсий институт ва жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида ҳозирги замон сиёсат фалсафаси ва сиёсатшунослиги қонун ҳамда категорияларига асосланган ҳолда умуминсоний демократик тамойиллар билан диалектик боғлиқлигига доир илмий-назарий қарашлар, ёндашувларнинг сиёсий-фалсафий ечимига оид хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олдига қўйилган вазифани бажариш жараёнида фандаги тарихийлик, тизимлилик, объективлик, қиёсий таҳлил, мантқиқийлик, таркибий-функционал ёндашув, статистик маълумотлар ва социологик сўровнома натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

конституциявийлик, легаллик, легитимлик, плюрализм ва толерантлик принциплари демократик жамиятни модернизациялаш жараёнида фуқаролик

жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик тамойили эканлиги очиб берилган;

фуқаролик жамиятининг генезиси ва ривожланиши тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, концепциялар ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда шахс, социал гуруҳларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ўзида ифодалаш илмий асосланган;

фуқаролик жамиятининг Ўзбекистонга хос хусусиятлари иқтисодий соҳада (бозор муносабатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги), сиёсий соҳада (ишонч), маънавий соҳада (ижтимоий босиқлик) характерли белгилари ва амал қилиш принциплари (халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги)нинг сиёсий-фалсафий моҳияти очиб берилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш жараёнларида давлат идораларининг халқ учун хизмат қилиши ва уни амалга ошириш механизмларининг (Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона, Давлат хизматлари агентлиги кабилар) жорий этилиши мамлакатимизда демократик тараққиётнинг ўзига хос янги босқичи эканлиги илмий асосланган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида оила, маҳалла ва ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, фуқаролик жамиятининг ўзига хос негизи ва институционал асоси эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, энг аввало, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, сиёсий партияларнинг ўз электоратлари фаоллигини ошириш, халқ билан очиқ мулоқот олиб боришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқишда Президент Виртуал қабулхоналари ва Халқ қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янгича тизим бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг халққа хизмат қилиши, халқ билан мулоқотда ва уларнинг муаммоларини ечишда амалий натижа бераётганлиги очиб берилган;

маҳаллий бошқарув органлари тизими муаммоларини ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш учун таклифлар асослаб берилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва таълим тизимининг кенг иштирокчини таъминлаш механизмлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолаларда ўз ифодасини топган. Шунингдек, муаллиф томонидан чоп этилган ўқув қўлланма, дарслиklar ва улар ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг

амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-услубий жиҳатларини кучайтириш зарурати билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий, концептуал-методологик асослари билан боғлиқ қарашлар, назарияларни билиш ва уни таълим тизимида жорий этиш ҳамда ёшларда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий тафаккурини бойитишга, фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Шунингдек, тадқиқотнинг амалий аҳамияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ва Президент ҳузуридаги Маслаҳат кенгашини ташкил этишда сиёсий партиялар, ННТлар фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

конституциявийлик, легаллик, легитимлик, плюрализм ва толерантлик принциплари демократик жамиятни модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик тамойили эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги рухсати билан нашр этилган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” (рус тилида) дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи, нашр рухсатномаси № 89-03-4371). Мазкур назарий хулосалар дарсликда ўз ифодасини топган ва унинг мукамаллашишига катта ҳисса қўшган;

фуқаролик жамиятининг генезиси ва ривожланиши тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, концепциялар ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда шахс, социал гуруҳларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ўзида ифодалашига доир илмий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги рухсати билан нашр этилган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” (рус тилида) дарслигида ўзининг амалий ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи, нашр рухсатномаси № 89-03-4371). Мазкур назарий хулосаларнинг дарсликда ўз ифодасини топганлиги унинг назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

фуқаролик жамиятининг Ўзбекистонга хос хусусиятлари иқтисодий соҳада (бозор муносабатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги), сиёсий соҳада (ишонч), маънавий соҳада (ижтимоий босиқлик) характерли

белгилари ва амал қилиш принциплари (халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги)нинг сиёсий-фалсафий моҳияти очиб берилганлигига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида тайёрланган “Янги Ўзбекистон” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 15 октябрдаги 03-/07/-880-сонли маълумотномаси). Мазкур хулоса ва тавсиялар Марказ томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигининг ошишига ҳисса қўшган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш жараёнларида давлат идораларининг халқ учун хизмат қилиши ва уни амалга ошириш механизмларининг (Халқ қабулхоналари, Давлат хизматлари агентлиги кабилар) жорий этилиши мамлакатимизда демократик тараққиётнинг ўзига хос янги босқичи эканлигига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги рухсати билан нашр этилган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” (рус тилида) дарслигида ўзининг амалий ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи, нашр рухсатномаси № 89-03-4371). Мазкур назарий хулосаларнинг дарсликда ўз ифодасини топганлиги унинг назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида оила, маҳалла ва ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, фуқаролик жамиятининг ўзига хос негизи ва институционал асоси эканлигига доир илмий янгилигидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомининг 3.3 “Ижтимоий ҳимоя ва ёшларни қўллаб-қувватлаш” ва 4.2 “Коррупцияга қарши кураш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш” бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2021 йил 5 январдаги 1/-11-сонли маълумотномаси). Ушбу хулоса ва таклифлар партия Низомининг замонавийлашувига ва партиянинг коррупцияга қарши курашдаги фаолияти таъсирчанлиги ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 30 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари муаллифнинг чоп этилган илмий ишларида, жумладан, 3 та монография, 2 та ҳаммуаллифликдаги дарслик ҳамда “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” (рус тилида) дарслиги, 3 та ўқув қўлланма, 25 та илмий журналлар (2 таси хорижий), 30 та конференция материаллари тўпламларида (2 таси халқаро) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 282 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика инновацион ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва назарий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби “Фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганишнинг концептуал-методологик масалалари” деб, унинг биринчи параграфи “Сиёсий-фалсафий таълимотларда “фуқаролик жамияти” тушунчаси, ғояси ва ривожланиш босқичлари” деб номланган. Унинг босқичлари сиёсат фалсафаси фанининг алоҳида категорияси сифатида ўрганилган. Сиёсатшунослик фанининг асосчиси Аристотелнинг илмий-сиёсий фалсафий меросини объектив танқидий таҳлил этиш зарурияти сабаблари асосланади. Шу ўринда диссертацияда бир қатор тадқиқотчилар фикрларига муносабат билдирилган. Жумладан, Афлотун, унинг шогирди Аристотелнинг илмий, сиёсий-фалсафий меросини чуқур ўрганиш сабабларини ҳам ёритилган. Афлотун инсон эркинликлари, манфаатларини эмас, балки давлат манфаатларини “давлат-жамият-шахс концепцияси”ни илгари сурганлиги учун баъзи гарб тадқиқотчилари, хусусан, К.Поппер уни тоталитаризм тизимининг асосчиси дея айблаган. Бу айбловнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги “очиқ жамият” ҳақидаги баҳс-мунозаралар 75 йилдан буён давом этиб келмоқда. Биз эса К.Поппер фикрларининг нисбийлигини ўрганамиз. Албатта, ушбу фаслда нафақат Афлотуннинг давлат ва жамият ҳақидаги сиёсий-фалсафий қарашлари таҳлил этилади, балки Аристотелнинг устози фикрларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этамиз. Шу жиҳатдан ушбу бобда буюк мутафаккирнинг жамият, демократия ва давлат бошқаруви ҳақидаги фикрлари узоқ йиллар давомида, айниқса, собиқ иттифоқ даврида мутлақ ўзгармас ҳақиқат сифатида қабул қилинган эди. Бундай ҳолат ҳозирги кунга қадар ҳам кўпгина тадқиқотчиларнинг эркин, ижодий баҳс-мунозараларга киришмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Биринчи бобнинг мақсади унинг асосий илмий назарий негизини ўрганиш орқали айрим “анъанавий қолип”лардан воз кечиш эмас, балки уларни таҳлил этишда объективликка яқинлашиш. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, очиқ жамият, яъни фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритганда, унинг концептуал-методологик асосларини таҳлил этиш жараёнида “фуқаролик жамияти” тушунчаси, ғояси мазмун-моҳиятидан келиб чиқилгандагина объектив-илмий ҳақиқатга яқинлашиш мумкин, деган ёндашувга асосланган. Асосимизнинг илмий методологиясини фуқаролик жамияти атамаси Аристотель сиёсий-фалсафий меросининг маҳсули эмас, деган ғояни илгари сурамиз. Негаки, Афлотун ва Аристотель давлат

бошқарувининг демократик принципларига таянишига деярли хайрихоҳ бўлишмаган. Улар давлат бошқарувининг демократик принципларига хайрихоҳ бўлмаслигининг сабаби, “Афина демократияси”да ҳукмдорлар “қуръа ташлаш” анъанаси йўли билан ҳокимият тепасига келишганлигидан ўта хавотирда бўлганлигидир. Зеро, уларнинг демократик бошқарувни мутлақ эътироф этмаганлиги эмас, балки унинг айрим заиф томонларини кўра билганлиги ва англаганлигида, деб қабул қилиш лозим. Карл Поппер ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар уларни тоталитаризм мафқурасининг асосчилари деб таърифлашлари, нафақат анча баҳс-мунозарали балки бир ёқламаликдан иборат. Айни пайтда К.Поппер ва унинг гоъвий тарафдорларининг мақсади аслида тоталитар режимларни танқид қилиш орқали антик давр ва бутун немис классик фалсафасида фуқаролик жамияти назариётчилари ҳисобланган И.Кант ва Гегелни ҳам танқид қилишлари инсоният тарихий тараққиёти тафаккурида муҳрланиб қолган классик сиёсий фалсафий мактаблар гоъларини рад этиш эди. Шу жиҳатдан, Аристотелнинг “Сиёсат” асари саккизинчи китобидаги фикрлари ҳозирги кунда биз тушунаётган “фуқаролик жамияти” тушунчаси тўғрисидаги илмий хулосаларда бир қатор чалкашликларга ҳам олиб келмоқда. Унинг давлат бошқарув шаклида монархия, олигархия ва полицияга устуворлик билан қараганлиги бугунги кундаги йирик энциклопедия, комусий луғатларда ҳам шундай чалкашликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, “Фалсафа” комусий луғатида “Фуқаролик жамияти - мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иктисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни қафолатловчи маълум ижтимоий тизим” деган таъриф берилади⁶. Ушбу таърифни диққат билан таҳлил қиладиган бўлсак, тўла эркинлик бирор бир жамиятда соф ҳолда мавжуд бўлмаган ва бўлмайди ҳам. У қонун билан белгиланади. Бу тамойилдан ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ҳам истисно эмас. Шунингдек, афсусланарли томони шундаки, ушбу таърифда “давлат” атамаси ва унинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни ўз ифодасини топмаган.

Таҳлилларимиз эса, фуқаролик жамияти ҳақидаги гоълар аслида “давлат” тушунчаси билан айнанлаштирилганлиги антик давр файласуфлари сиёсий қарашлари негизини ташкил этганлигидир. Бу атамани биринчи бўлиб Аристотель ишлаб чиққан, деган қарашларга асосланади. Уларнинг демократияга хайрихоҳ бўлмаган бу буюк мутафаккир қанчалик илм-маърифатга ҳисса қўшганлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда “фуқаролик жамияти” тушунчасини Аристотель киритган, деган қарашлар ҳақиқий илмий асосга эга эмас. Шунингдек, “фуқаролик жамияти” атамасини биринчи бўлиб Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гегель ҳам эмас, балки шотландиялик олим А.Фергюсон ишлатган, деган фикрга асосланамиз. Муаллифнинг фикрига кўра, А.Фергюсон бу ҳақда 1697 йилда ўзининг “Очерки истории гражданского общества” (“Фуқаролик жамияти тарихи

⁶ Қараг: Фалсафа: комусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти 2004. 433-6.

хакида очерклар”)⁷ деган китобини чоп этган, унда фуқаролик жамиятининг унсурлари таҳлил этилган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “фуқаролик жамияти” тушунчаси И.Кант, Г.Гегель сиёсий-фалсафий таълимотлари вужудга келишидан деярли бир аср олдин чоп этилган А.Фергюсоннинг ушбу асари билан таниш бўлмаганлигидадир.

“Ҳозирги замон сиёсат фалсафасида фуқаролик жамиятининг демократик тамойиллар билан диалектик боғлиқлиги” деб номланган иккинчи параграфда бугунги кунда россиялик тадқиқотчилар ҳам К.Гаджиев, Г.Резник, В.Романенколар, Ю.Витюк, Э.Одинцова, К.Бляхманлар ўз асарларида Аристотель фуқаролик жамияти ғояси асосини “сиёсий жамият” тушунчаси деб қабул қилган, деган фикрга келадилар. Шунга кўра, Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Х.Т.Одилқориев, Ф.Мусаев, М.Қирғизбоев, М.Шарифхўжаев, А.Хамроев, И.Толиповлар ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Айни пайтда мамлакатимиз сиёсат фалсафасининг кўзга кўринган етакчи олимлари И.Эргашев, Б.Тўйчиев, Ш.Ғойибназаров, Н.Жўраев, А.Қодиров, У.Идилов, Р.Самаров, Н.Назаров, Ф.Равшанов ва бошқалар фуқаролик жамиятининг биринчи концептуал-методологик асосларини демократик принциплар билан боғлайдилар. Бу тўғри йўналиш, лекин, фикримизча, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик биринчи асосини тинчлик, осойишталик ва ушбу мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлик даражаси(ҳолати) ташкил этади. Фикримиз исботини бугунги кунда бутун дунёни ларзага солган, жаҳон иқтисодиётини глобал инқирозга олиб келган коронавирус пандемияси оқибатлари ҳам исботламоқда. Шунга кўра, бугунги кунда илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон сиёсат фалсафаси назарияси ва сиёсатшуносликда фуқаролик жамиятининг ривожланиши демократик тамойиллар билан боғлиқлик масаласи ҳар қачонгидан ҳам энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Унинг долзарблиги, айниқса, тоталитаризм тизимлари ҳукмронлик қилган жуда катта маконда вужудга келган барча мустақил давлатларда демократик ўзгаришларнинг амалий аҳамиятини англаш жараёни билан бевосита боғлиқ. Унинг долзарблиги деярли 30 йилга яқин вақт давомида собиқ иттифок маконида вужудга келадиган айрим инқирозли ҳолатларни ҳам демократиянинг заиф томонларидан излаш эҳтимолдан холи эмас. Лекин ана шу маконда вужудга келган барча давлатларда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, уни ривожлантириш стратегик вазифа деб белгиланган.

Бунда биринчи ўринда омма онгида тоталитаризм тизимига хос бўлган “қаттиққўл раҳбар”ни қўмсаш ҳолатларининг мавжудлигидан келиб чиқмоқда. Айниқса, собиқ иттифок маконида демократик янгилашишлар жараёнида уни амалга ошириш борасида бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш, энг аввало, фуқаролик жамияти

⁷ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг махсус фондида китобдан айрим таржималар “Знания” журнаlining 1990 йил 3-сонидан парчалар келтирилган.

ғояси, тушунчаси, генезисини ўрганиш, тадқиқ этиш ва маълум хулосаларга келиш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти ривожланиш босқичларини алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки, фикримизча, унинг концептуал-методологик асосларини “яхлит концепция” сифатида илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурияти вужудга келмоқда. Ана шу зарурият ва бушлиқни тўлдиришда 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, фуқаролик жамиятининг ривожланиш босқичларини, ривожланиш қонуниятларини ва ўзига хос миллий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақада, давлатда ўрганишга илмий-амалий эҳтиёж мавжуд. Унинг долзарблиги эндиликда “давлат ислохотлар ташаббускори эмас, балки жамият ислохотларини ўтказишнинг асосий ташаббускори” деган янги ғоянинг вужудга келиши фуқаролик жамиятининг концептуал-методологик масалаларини сиёсат фалсафаси, сиёсатшунослик фанларининг махсус тадқиқот объекти, категорияси сифатида ўрганишни ҳаётнинг ўзи, янгиланишлар жараёни тақозо этмоқда. Албатта, бу жараёни англашнинг ўзи собиқ иттифок маконида вужудга келган барча давлатлар учун бир хил даражада бўлмаса-да, лекин бу борадаги ютуқлар, ечимини кутаётган масалалар кун сайин бир қатор масалаларни ҳал этиш механизмларини қайта кўриб чиқишни илмий эҳтиёж ва заруратга айлантирмоқда

Бундай илмий эҳтиёж ва зарурат:

биринчидан, жаҳон микёсидаги геоеёсий манфаатлар тўқнашуви, турли давлатлараро қарама-қаршилиқ ва носоғлом рақобатнинг кучайиши;

иккинчидан, коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган жаҳон иқтисодий инкирози, дунё бозорларидаги беқарорликнинг келиб чиқиши туфайли ишсизлар сони ошиши натижасида деярли барча давлатларнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожига, балки дунё аҳолиси камбағаллашиши, қашшоқлашишига олиб келган салбий таъсирлари;

учинчидан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келаётган нотинч вазиятлар аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миграция жараёнининг кучайиши;

тўртинчидан, айрим минтақа ва мамлакатларни қайтадан хом ашё базасига айлантириш борасидаги яширин ҳаракатларнинг намоён бўлиши;

бешинчидан, кўплаб мамлакатларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги туфайли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги;

олтинчидан, табиий ресурслар учун кураш қатор давлатларда ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашуви натижасида нафақат қурол-яроғ савдоси ортиши, балки одам савдосининг ҳам ортиб боришига олиб келаётганлиги;

еттинчидан, уюшган жиноятчилик, террорчилик, диний экстремизм таҳдидлари географиясининг кенгайиши;

саккизинчидан, атроф-мухит, экологик ҳолат, ер куррасидаги иқлим ўзгаришлари натижасида ҳанузгача тиббиётга номаълум бўлган ўта хавфли юқумли касалликлар кўпайишига олиб келаётганлиги;

тўққизинчидан, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонуният бир томондан, ахборот коммуникация тизимининг кенг қўлланилиши, давлат бошқаруви электрон шаклда ташкил этилаётганлиги, иккинчи томондан, турли асоссиз ахборотларнинг тарқалиши жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар кўришни бугунги ҳаётнинг ниҳоятда очиклиги ахборотлашув жараёнларини фуқаролик жамиятини концептуал-методологик асоси бўлган интернет тизимининг кенг ёйилиши ва одамлар дунёқарашига кескин таъсири миллий ўзликни сақлаб қолиш масаласи;

ўнинчидан, коррупция, “яширин иқтисодиёт”, маҳаллийчилик ва айрим давлатларда миллатчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси бўлган тадбиркорлар “мулкдорлар қатлами”нинг вужудга келиши, айниқса, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг ортиб бориши аҳоли тумуш фаровонлиги ошишида нафақат жиддий тўсиқ, балки ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётганлиги;

ўн биринчидан, “оммавий маданият” балосининг инсон эркинлиги, деб қабул қилиниши баъзи ҳолларда ёшларнинг уни эркинлик ва демократия даражаси деб қабул қилиши айрим ёшларни ўз домига тортиб миллат келажаги ва юрт учун бутунлай бегона бўлган ёвуз ғояларни, жумладан радикализм ғояси ёшлар онгини эгаллаб олаётганлиги жараёнлари фуқаролик жамиятини ўрганишни даврлаштиришни тақозо қилмоқда. Хусусан,

биринчи давр: антик давр;

иккинчи давр: ўрта асрлар даври;

учинчи давр: ғарб уйғониш даври;

тўртинчиси: маърифатпарварлик даври;

бешинчиси: янги даврда вужудга келган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашнинг тадрижий тақомили фуқаролик жамияти генезиси билан боғлиқ кўплаб таҳлилий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлиги. Шу жиҳатдан, айниқса, фуқаролик жамияти ғояси, генезиси ва ривожланиш босқичларини инсон ҳуқуқлари тарихини даврийлаштиришга ҳаракат қилинган.

Негаки, жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари концепцияси сиёсий-фалсафий қарашларда турлича талкин қилинмоқда, бу борада умумметодологик концептуал характерга эга бўлган илмий назарий тизим яратилмаганлигининг объектив сабаблари кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон сиёсат фалсафасида фуқаролик жамиятининг демократик тамойиллар билан диалектик боғлиқлиги ҳар бир даврда ҳар қайси давлатда миллий менталитетдан келиб чиққан ҳолда амалга ошишини таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг ушбу боб “Фуқаролик жамияти” ва “ҳуқуқий давлат” ўртасидаги муносабатлар ёндашувидаги назария ҳамда амалиёт бирлигини ўрганиш” деб номланган учинчи параграфда нафақат хорижий тадқиқотлар асосида, балки ҳозирги замон фуқаролик жамияти концепцияларида ўз ифодасини топган қатор масалаларни ўртага ташлайди. Шу ўринда диссертациянинг биринчи боби якунида фуқаролик жамияти деган атамани антик давр сиёсий фалсафий таълимотларига аслида янги давр тадқиқотчилари олиб кирганлиги бундай илмий хулосанинг сунъий равишда намоён бўлиш сабабларини сиёсат фалсафаси нуқтаи-назаридан таҳлил этади.

Сиёсат фалсафаси, сиёсатшуносликка оид илмий адабиётларда “фуқаролик жамияти” ва “ҳуқуқий давлат” тушунчаларини бир-бирдан ажратиш йўлидаги дастлабки илмий йўналиш Никколо Макиавелли номи билан боғлиқ. У давлатни жамиятдан ажратиш, белгилаш учун махсус *status* (лотинча “*status*”- мақом, низом, қоида) терминини жорий этган.

Кўпгина тадқиқотларда фуқаролик жамияти ғарб сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули, деган ғоя устуворлик қилиб келмоқда. Лекин ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг асарларини ўрганиш, таҳлил этиш шуни кўрсатадики, фуқаролик жамиятининг синоними бўлган “адолатли жамият”, “одил ҳукмдор” ҳақидаги илмий изланишлар аслида Шарқда вужудга келган дейишимизга барча асослар мавжуд. Шу жиҳатдан фуқаролик жамияти унсурларининг илк кўринишлари Шарқ мутафаккирларидан бири бўлган Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида давлат ҳокимиятининг адолатли жамият куришдаги ўрнини атрофлича таҳлил қилган. Албатта, у адолатли жамият бўлишини сиёсий элита – ҳукмдорга, сарой мансабдорларига, ҳокимларга боғлиқ, деб тушунган. У монархия тузуми тарафдори бўлган бўлсада, лекин фуқаролик жамиятининг асоси бўлган барча ишларни маслаҳат билан қилиш тарафдори бўлганлиги аниқ. Унинг машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси бўлмайди, деган фикри – бугунги кунда мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги давлат ва жамият бошқарувида парламент, жамоатчилик палатаси ва сиёсий партиялар ролини ошириш энг муҳим масала қилиб қўйилганлигида намоён бўлмоқда⁸. Негаки фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида парламент ва кўппартиявийлик тизими алоҳида ўрин эгаллаши Низомулмулкнинг минг йиллар олдин айтган фикрлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаганида намоён бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш бўйича Президент ҳузуридаги маслаҳат кенгашининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатаётганлигини айтиш kifоя.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасидаги муносабатлар ёндашувида “иккинчи муаллим” деб ном олган Абу Наср Форобий сиёсий-фалсафий меросини ўрганиш алоҳида ўринга эга. Унинг фозиллар жамияти адолатли бўлишида табақалар ўртасидаги тафовут сақланишида “адолат”

⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр-ул-мулк –Т.: Адолат 1997. 98-бет.

ҳуқуқий категория вазифасини бажариши ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам фуқаролик жамиятини ривожланишида ўта бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг ошиб кетмаслиги масаласи билан ҳамоҳанг. Маълумки, Форобий ўз асарларида жамоани катта-кичиклигига кўра уч турга бўлади:

буюк жамоа - дунёдаги барча халкларнинг бирлашуви;

ўрта жамоа - бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа;

кичик жамоа - алоҳида шаҳар-давлат (полис)ни бирлаштирувчи жамоа.

Албатта, “маҳалла” ўрта жамоа бутун бир мамлакат миқёсидаги илк фозил жамиятни англатадиган тушунчадир.

Аллома инсоннинг ўзини “сиёсий мавжудот” сифатидаги ўрнига қуйидаги таърифни берган эди: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос “инсонийлик”дир. Шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”⁹. Аллома фуқаролик жамиятининг концептуал-методологик асоси тинчлик эканлигини таъкидлаган. Албатта, Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-фалсафий қарашларида “фуқаролик жамияти” маданий жамият, маданий шаҳар, фозил жамият, инсонпарвар жамият, инсонпарварлик, гуманизм ҳақида мамлакатимиз тадқиқотчилари, хусусан, фалсафа фанлари доктори А.Қодировнинг докторлик иши ва асарларида ўз ифодасини топган. Шунга кўра, уларни тўлиқ таҳлил этиш диссертация ишимизнинг умумий мақсади эмас.

Ҳозирги замон сиёсат фалсафаси назарияси, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанларида ҳуқуқий давлат билан фуқаролик жамиятининг ўзаро муносабати россиялик академик В.Нерсисянцнинг асарлари ва ўзбекистонлик олимлардан академик А.Саидов, А.Рахмонов, З.Исломовларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бироқ, улар тадқиқотларида ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари ҳамда фуқаролик жамиятининг концептуал-методологик масалалари тадқиқ қилинмаган. Шунга кўра, “фуқаролик жамияти” ва “ҳуқуқий давлат” тушунчалари ўртасидаги муносабатлар ёндашувидаги назария ҳамда амалиёт бирлиги масаласи ҳозирги замон сиёсий-ҳуқуқий қарашлар нуктаи назаридан таҳлил этилган. Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар иши самарали бўлган, ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат.

Ҳуқуқий давлат қуйидагиларни таъминлайди:

-давлат механизмнинг барча бўғинлари аниқ ва бир маромда ишлашини;

-ҳуқуқий давлат органлари фаолиятида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлиги;

⁹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри –Т.: А.Қодиров номидagi халқ мероси. 1993. 186-бет.

-ҳокимият ваколатлари тақсимланиш принципининг - ҳаётга татбиқ этилиши;

-эркин бозор иқтисодиёти ва бошқалар.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари қуйидагилардан иборат:

-конституция ва қонунларнинг устуворлиги;

-суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш;

-олий кадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш учун реал шароит яратилиши ва бошқалар.

Ҳуқуқий давлат барқарорлигининг асослари қуйидагилардан иборат:

-ҳуқуқий асослари;

-жамиyatда этно фуқаровий барқарорлик ва фуқароларнинг иродасига, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлиги; (унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 15 ноябрдаги фармонида белгилаб берилган).

Фуқаролик жамиятининг мавжудлиги, энг аввало ҳуқуқий давлат принципларининг тизимли ишлаши билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

-ҳуқуқий ваколатларнинг бирор бўғин ёки тузилмада тўпланиб қолишига тўсқинлик қилувчи яққаҳокимликка қарши механизмларни яратиш. Конституция ва қонунлар устуворлиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши;

-давлат ҳокимияти суверенлигини қонунда белгилаш ва ҳаётга жорий этилиши;

-жамиyat томонидан сайлов ҳуқуқи меъёри асосида қонун чиқарувчи органлар шакллантириши, қонунлар бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши;

-фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги; давлат ва шахснинг ўзаро масъулиятлари фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий давлат билан ўзаро монандлигини суднинг ҳаммадан юқори туриш ҳамда қонунларнинг инсон манфаатлари ва эркинликларини давлат ҳокимияти тизимининг асосий бўғини сифатида намоён бўлиши кафолатланиши ва бошқалар.¹⁰

Ҳуқуқий давлатчилик эркинлик, адолат ва ҳуқуқлар кафолатини таъминлаш мақсадида конституциявий тартибда чиқарилган қонунлар асосида давлат бошқаруви амалга оширилишини англатади.

“Ҳуқуқий давлат” атамаси ҳақида фикр юритганда, бу тушунча Германия юридик адабиётларида XIX аср бошларида К.Т.Велькер томонидан қўлланилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатсиз намоён бўлмайди. Ҳуқуқий давлат эса фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашиши натижасида қонун устуворлиги принципи, суд мустақиллиги таъминланган шароитдагина фуқаролик жамияти яшайди ва ривожланади.

Диссертациянинг “Фуқаролик жамияти ривожланишида жаҳон тажрибаси: Ғарб демократияси ва Шарқ кадриятларини

¹⁰ Қараг: Бу ҳақида академик Аҳмад Саидовнинг қатор рисоаларида чуқур таҳлил этилган.

уйғунлаштириш истикболлари” деб номланган иккинчи бобида бугунги кунда фуқаролик жамиятига ўтиш асосларини ўрганиш, унинг илмий-назарий ва сиёсий-фалсафий жиҳатларини таҳлил этиш Фарб демократисининг бузилган шакллари, айниқса, либерал-демократия принциплари ўзини окламаётганлиги, баъзи ҳолларда инқирозга юз тутаётганлиги, айти пайтда, Шарқ қадриятларида қотиб қолган гендернинг таъминланмаётганлиги масалаларини ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам ўта долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ушбу бобнинг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида “ўтиш даври”нинг зарурлиги ва конструктив - сиёсий муҳолифатнинг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятлари” деб номланган биринчи параграфиди “ўтиш даври”нинг Ўзбекистонда ҳам силлиқ кечмаганлиги, иқтисодий қолоқлик, миллий биқиклик, тор гуруҳлар манфаатларининг устувор бўлиши сабаблари таҳлил этилган. Хусусан, фуқаролик жамияти ривожиди “ўтиш даври”нинг зарурлиги парламент даражасидаги конструктив сиёсий муҳолифатнинг шаклланишига янгича қарашда ўз ифодасини топган.

“Ўтиш даври” ижтимоий-сиёсий фанлар мавзулари тизимидаги долзарб масалалар қаторида туради. Чунки, мамлакатлар ўз юксак тараққиёт даражаларига “оралик” босқичларини босиб ўтмасдан эриша олмайдилар. Ана шу “оралик” босқични ўрганиш нафақат назарий, шунингдек амалий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, “ўтиш даври” биз учун турли йўқотишларга олиб келганлигининг объектив ва субъектив сабаблари ҳолис танқидий таҳлил тизими сифатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий адабиётларда илмий жиҳатдан жуда кам ўрганилган. Бунинг асосий сабаби, унинг аниқ “мезони” ва бошланиш нуктаси билан “поёни” масаласини аниқ белгилаш мураккаблигича қолмоқда. Ана шу мураккаблик ҳолатининг келиб чиқиши, айниқса, илмий-тадқиқотлар жараёнида сезилган эди. Бундан ташқари, баъзи олимлар жамият тараққиёти то фуқаровий жамият даражасига кўтарилгунча фақат “ўтиш даври”ни ўз бошидан кечирадилар, у узлуксиз жараён, деб ҳисобласа, бошқалари “ўтиш даври”нинг муҳлати ва моҳиятидан кўра, ундаги жараёнларни ўрганиш “муҳимроқ” эканлигини таъкидлайдилар. Хуллас, Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш даврини ҳам мукамал ўрганишга эҳтиёж етилиб келмоқда. Чунки, унинг мезонларини аниқламасдан туриб, жамият ҳаётида содир бўладиган ёхуд содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида аниқ концептуал гояларни ишлаб чиқиш ҳам мумкин эмас. Шу жиҳатдан Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиниши ва унинг амалга оширилиши нафақат миллий тараққиётимизнинг илмий-назарий асоси, айти пайтда, фикримизча “ўтиш даври”да тупланиб қолган ижтимоий муаммолар ечимини аниқлашда ноёб ҳужжатдир. Албатта, бу жараёнлар нега турли мамлакатларда турлича содир бўлади? Уларнинг муҳлати нега ҳар бир давлатда турли хил муддат давом этади? “Ўтиш даври”да кучлар нисбати қандай ҳолатда бўлади? деган саволларга жавобни фақат демократик жараёнлар билан ҳамоҳангликда мустақил тадқиқот сифатида ўрганиш орқалигина жавоб бериш мумкин бўлади. Бу борада

америкалик тадқиқотчилар “Марказий Осиё ва Кавказ институти” раиси Фредрек Старр ҳамда “Calatvara Grace” корпорацияси бош ижрочи директори Майкл Селлманнинг тадқиқотларида ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда “ўтиш даври”нинг айрим йўналишлари таҳлил қилинган. Айниқса, конструктив сиёсий муҳолифатнинг муқобил муҳолифат сифатида кўппартиявийлик тизими ННТ фаолияти замонавий талаблар ва жамоатчилик палаталарининг фаолияти ҳам фуқаролик жамиятининг моделлари сифатида кўрсатилган. Шу жиҳатдан фуқаролик жамиятига ўтиш бир нечта моделлари тажрибаси вужудга келмоқда. Бу уларни таҳлил этиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Тадқиқотнинг кейинги параграфи “**Ҳаракатлар стратегияси – фуқаролик жамияти ривожланишининг назарий ва амалий асоси**”, деб номланади. Ундаги бешта йўналишнинг барчасида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асослари белгилаб берилган, илмий-амалий жиҳатдан асосланган. Демократик халқ парламентининг халқ маслаҳат уйига айланиши, парламентнинг эса демократия мактаби сифатида намоён бўлиш босқичлари механизмлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг мазкур боб “**Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни (жаҳон тажрибаси)**” деб номланган учинчи параграфида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2019 йил 30 октябрдаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар асос қилиб олинган ҳамда таҳлиллар натижасида айрим тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг “**Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий механизмлари**” деб номланган учинчи бобидан фуқаролик жамияти ривожланишида “мулкдорлар қатлами”нинг ўрни алоҳида таҳлил этилган. Бу борада антик давр сиёсий-фалсафий таълимотлари олмон мумтоз файласуфларининг мулк ва мулкдорларга нисбатан қарашлари, фуқаролик жамиятининг асослари ҳақидаги фикрларидаги айрим зиддиятлари келтирилган, ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий дунёқарашлари гизимли таҳлил этилган. Эркин иқтисодий зоналар, кўппартиявийлик тизимининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Унинг “**Фуқаролик жамияти ривожидан “мулкдорлар қатлами”нинг шаклланиши жараёнида ижтимоий гуруҳлар сиёсий дунёқарашидан ўзгаришлар**” деб номланган параграфидан ҳар қандай жамият ривожининг иқтисодий асоси, иқтисодий тизими билан бевосита боғлиқ. Бозор иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Шунга кўра, фуқаролик жамияти бозор иқтисодиётига, бозор тизимига асосланган экан, мулкчиликнинг турли-туманлиги ҳал қилувчи ўринга эга бўлади. Шунингдек, фуқаролик жамияти ҳақидаги илк гояларда ҳам мулк масаласи, айниқса, мулкдор бўлиш ёки

булмасликка қараб, жамиятнинг келажаги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлган. Афлотун ва Аристотель ўртасидаги баҳс-мунозаралар ҳам шу масалада бўлган. Зеро, фуқаролик жамияти ҳар бир шахсга мулк эгаси бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди, мулкдор бўлиш учун ҳуқуқий асосларни яратиб беради. Негаки, мулк эгаси бўлиш ёки булмасликка қараб, жамиятда ҳар бир кишининг мавқеи, яъни социал ижтимоий мақоми юзага келади. Фуқаролик жамияти шаклланиши хусусий мулк шаклланиши, умуман, турли мулк шакллариининг мавжудлиги ва уларнинг тенглиги хусусий мулкнинг қонун билан химояланишига боғлиқ. Шу жиҳатдан, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти сиёсий плюрализм асосида ривожланади. У, энг аввало, иқтисодий плюрализмга асосланган жамият ҳамдир. Мулкчиликнинг турлитуманлиги жамиятда рақобат кураши бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Ана шу шарт-шароитсиз бирон-бир жамият тараққиётга эришган эмас. Шунга қўра, ҳар қандай жамият ривожини мулкчиликдан бошланади, дейиш ўринли. Мулккий муносабатларга асосланмаган иқтисодиётнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек жамият тараққиётида ижтимоий адолатни таъминлашда ҳам мулккий муносабатлар алоҳида ўрин тутаяди. Шу жиҳатдан мулкчилик нафақат иқтисодиёт фанининг категорияси, балки уни ўрганиш ижтимоий фанлар учун, жумладан, сиёсат фалсафаси назарияси, сиёсатшуносликнинг ҳам умумий категориялари, десак тўғри бўлади. Ҳуқуқшунослар мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганар экан, унинг сиёсий муносабатлар тизимидаги ўрнини ўрганмасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро диалектик боғлиқликни англаб бўлмайди. Минг йиллар давомида мулккий муносабатларни тартибга солишда бирор бойликка эгалик қилиб, уни бошқаришда инсоният тарихий тараққиётида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Улардан бири сифатида Хамурапи, Арктишастри қонуларини кўрсатиш мумкин. Мулкчилик бир бутунлик булиб, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш бирлигидан иборат. Мулкка дастлабки таъриф V асрда император Юстинианнинг “Рим ҳуқуқи” кодексига берилган бўлиб, унда мулкчилик эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи тарзида кўрсатилган.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан камбағалликни камайтириш махсус давлат дастури ишлаб чиқилиши ҳам одамларимизнинг хусусий мулкка бўлган муносабати ва дунёқарашини ўзгартиришдан иборат.

Илмий тадқиқотнинг мазкур боб иккинчи параграфига мулкдорлар қатламининг тадбиркорлик ривожланишидаги тоталитар тизимга хос бўлган айрим иллатларнинг мавжудлиги узоқ йиллар одамларимиз тафаккуридаги бой бўлишдан қўрқиб ҳолати сабаблари, яъни “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, деган янги принцип асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида фуқароларимиз дунёқарашидаги ўзгаришлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Биринчи фаслнинг давоми сифатида “Ҳозирги замон эркин-иқтисодий зоналарнинг

ташкил этилиши фуқаролик жамияти ривожлантиришнинг негизи”, деб номланган. Бу борада муаллиф жаҳон тажрибаси, айниқса, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Франция ҳамда Германия тажрибалари ўрганилган, умумлаштирилган. Ўзбекистонда мустақиллик туфайли эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, технопаркларнинг 25 йиллик фаолияти аниқ фактлар асосида таҳлил этилган, уларнинг ижобий тажрибалари умумлаштирилган ҳолда улар сонини кўпайтириш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича айрим хулосалар, таклифлар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобнинг учинчи параграфида келтирилган **“Кўппартиявийлик тизимида – фуқаролик жамияти ривожланишининг тенденциялари”** аниқ мисоллар асосида мустақиллик йилларида ўтказилган сайловлар натижалари бўйича ҳамда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш механизмлари, тенденциялари таҳлил этилади. Шу ўринда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши демократиянинг муҳим принципларидан бири, деган умуминсоний тамойил ҳам мавжуд бўлиб, партиялараро конструктив рақобат муҳолифатчилик вужудга келмаганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шу авторитар бошқарув тизимининг чуқур илдиз отишига олиб келди, сўз, матбуот эркинлиги деярли ўз кучини йўқотди ва қоғоздагина яшаб келди. Ўзбекистон сиёсий майдонида парламент даражасида ҳам ханузгача муҳолифат партиянинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Иттифоқига кузатувчи сифатида киришига Халқ демократик партияси фракцияси тўлиқ қарши овоз берганлиги муҳолифатнинг энди шаклланганидан далолатдир.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг амалга ошиши учун **Сайлов Кодексининг** қабул қилиниши ва унда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига фақат сиёсий партиялар номзодлар кўрсатиши ҳуқуқининг берилганлиги фуқаролик жамиятининг муҳим концептуал методологик асоси бўлган демократик сайловларнинг ўтказилиши партиялараро рақобат, уларнинг натижалари бўйича қиёсий ўрганилган. Таҳлиллар натижасига кўра, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида глобал ўзгаришларнинг таъсири”**, деб номланиб, унинг биринчи параграфида **“Меҳнат миграцияси ва иқлим ўзгариши фуқаролик жамиятини ривожлантиришда глобал муаммо”** сифатида ўрганилади. Унинг назарий қисмида қадимги Шарқда шаклланган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-фалсафий фикрлар катта тажрибага асосланганлиги боис уларни концептуал-методологик асос сифатида ва энг ривожланган демократик давлатлардаги тадқиқот марказларининг йирик олим ва амалиётчилар фикрларига таянган ҳолда фуқаролик жамиятининг ривожланишида жаҳон тажрибаси, унда Ғарб демократияси ва Шарқ кадриятларини уйғунлаштиришнинг айрим муаммоларини замонавий

фуқаролик жамияти концепцияларидаги бирёкламалик танқидий таҳлил қилинади.

Маълумки, ҳозирги кунда бирор-бир давлат, минтақа глобал ўзгаришлар таъсиридан ҳоли эмас. Шу нуқтаи назардан, коронавирус пандемияси шароитида глобал иқтисодий инқироз ва иқтисодий пасайиш, дунё бўйича меҳнат миграциясининг кучайиши кузатилаётганда. Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2021 йилда ялпи ички маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш тахмин қилинмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатга яроқлининг қисми 20% дан кўпроғини мамлакат ташқарисида меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу муаммоларнинг нақадар долзарб ва ҳал этиши лозимлиги ҳақида фикр юритиб, “Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай вазифалардан бири Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф тугдириши мумкин бўлган таҳдидлар, ўз ечимини қутаётган энг муаммоли масалалардан бири бу ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш масаласидир”¹¹.

Шунга кўра, меҳнат миграцияси, иқлим ўзгариши ва минтақавий муаммо сифатида сув тақчиллиги масалалари фуқаролик жамиятини ривожлантиришда глобал муаммо эканлиги тизимли таҳлил қилинган. Бу борада муаллиф ўзининг фикр ва тавсияларини илмий мақолаларида келтириб ўтган.

Глобаллашув даврига келиб миграция тенденцияси янада шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунинг исботи бугунги кунда ер юзи аҳолисининг салкам 17% дан кўпроғи мигрантлардир. Шу ўринда сиёсий-фалсафий таълимотлар тарихида аҳоли миграцияси ҳодисасининг илмий ўрганилиши қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Аристотелларнинг асарларидаёқ давлатнинг миграция соҳасидаги тартибга солиш чораларини эслаган ҳолда ушбу муаммо бўйича фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Масалан, Афлотун ўзининг “Давлат” асарида “кўчиб келган” ва “ажнабий” каби тушунчалардан фойдаланиб, шу орқали мигрантларнинг асосий тоифаларини ажратишга интиланлигини кўриш мумкин. Афлотун ва Аристотель фикрларининг бу борадаги мазмун ва моҳияти ҳозирги кунга қадар ўзгармасдан келмоқда. Аристотель ўзининг “Сиёсат” асарида Қадимги Юнон давлати ташқи мигрантларга эҳтиёжни ҳисобга олиб, хусусан, ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларининг бир қисми “юртимизга тирикчилик учун кўчиб

¹¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 45-б.

келганлар, шунингдек, ҳар сафар бизникига давлат ёки шахсий иши билан келадиганлар учун захира қилингани”ни таъкидлайди. Шунингдек Аристотелнинг гувоҳлик беришича, қонуний “фуқароларнинг этишмаслиги оқибатида қуллар ва ажнабийлар учун фуқаролик бериш ҳолатлари мавжуд бўлган”. Сиёсий таълимотлар тарихини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Қадимги Юнон файласуфларининг ушбу гоёларини Европа олимлари, хусусан, француз сиёсий таълимотида алоҳида ўрин эгаллаган Шарль Луи Монтескье ўзининг “Қонунлар руҳи”(1847) деб номланган асарида ўз юртини тарқ этишга мажбур бўлган шахслар мақомини сиёсий-ҳуқуқий тартибга солиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган¹².

Фуқаролик жамияти ривожда меҳнат миграциясининг глобал жиҳатлари ва унинг салбий кўринишлари, намоён бўлиш хусусиятлари биринчи бор таҳлил қилинган. Фактик материаллар асосида камбағалликнинг келиб чиқиши ва унинг демократик янгилишлар ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида намоён бўлиши ва унга қарши курашда тавсиялар берилган. Ушбу бобда глобал клим ўзгаришининг жаҳон иқтисодий ривожланишига салбий таъсири жумладан, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда меҳнат миграцияси интеллектуал салоҳият «миялар»нинг кўчиш ҳолати ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари аниқ статистик маълумотлар асосида сиёсий-фалсафий глобал муаммо сифатида ўрганилган, ушбу муаммони ҳал этишда муаллиф томонидан тақлифлар билдирилган.

Ушбу бобнинг “Коррупция ва “яширин иқтисодиёт”га қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарт”, деб номланган иккинчи параграфида глобал муаммога айланган ва бирон-бир давлатни четлаб ўтмаётган коррупциянинг кучайиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши, давлат ҳокимият органларига ишончсизликнинг ортиши, жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилиши, одамлар онгида коррупциясиз ҳеч иш қилиб бўлмаслиги ҳақидаги тасавурларнинг пайдо бўлиши, бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги давлат дастурининг қабул қилиниш аҳамияти сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади. Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири “яширин иқтисодиёт”нинг кенг илдиз отиши билан боғлиқ. “Яширин иқтисодиёт” жаҳон амалиётида XX аср 30-йилларидан ўрганиш бошланди, шу аср охирига келиб кўплаб давлатларда “яширин иқтисодиёт” билан боғлиқ, унинг коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири эканлиги очик тан олина бошланди. Дунё миқёсида ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, “яширин иқтисодиёт” томонидан топиладиган фойданинг камида 40 фоизи бевосита ноқонуний характердаги муносабатларни сақлаб туришга йўналтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 27 июль куни “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш бўйича махсус йиғилиш ўтказди. Мамлакатимизда “яширин иқтисодиёт”нинг юқорилиги қайд этилиб, дунё

¹² Charles Montesquieu/ Del'espritdeslois (1748). Paris: Flammarion, 2019 400-pages

мамлакатлари орасида юқори кўрсаткичга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Уни чеклаш борасидаги вазифалар белгилаб берилди:

биринчидан, “яширин иқтисодиёт” давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шароитда ривожланмоқда;

иккинчидан, “яширин иқтисодиёт” давлат иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятини, унинг ижтимоий йўналишини издан чиқаради;

учинчидан, “яширин иқтисодиёт” солиқ ва ҳуқук-тартибот органлари ҳисобланган давлат хизматчилари мансабдор шахсларнинг коррупцияга берилиб кетишига йўл очиб беради.

Бугунги кунда жамиятимизда мавжуд турли иллатларга, жумладан, коррупция, турли жиноятлар содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича катъий чоралар куриш зарурлиги таъкидланмоқда. Инсонни қийин аҳволга туширадиган, руҳан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири адолатсизлик ҳисобланади, дейиш мумкин. Унинг бир илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этишда ифодаланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан, коррупцияга қарши махсус агентликнинг ташкил этилиши “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, натижада коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш таъсирчан тизимини тақозо этади.

Мазкур норматив ҳужжатлар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилди. Негаки, халқимизнинг давлат ҳокимият органларига, айниқса, қонун ижро этилишини назорат қилувчи орган ҳисобланган прокуратура ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, уни ҳаётга татбиқ этишда суд-ҳуқуқ органларига ишонч бироз сусайгандек бўлаётгани кузатилмоқда. Бу борада давлатимиз

рахбари Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура ходимлари номига билдирилган эътирозларида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи “Билимли авлод – фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи”, деб номланади. Унда инсоният тарихий тараққиётининг барча даврларида давлат ва жамиятнинг эртанги куни бўлган ёш авлодни билимли қилиб вояга етказиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Жамиятлар орасида фуқаролик жамияти алоҳида ёшлар учун давлатнинг ўзи кўпроқ сиёсий тамойиллар, қонунлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириши заруриятини вужудга келтиради.

Шу ўринда мамлакатимизда мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларни, ёшлар масаласига доир жами 25 та қонун ва қонуности ҳужжатлари фикримиз исботидир. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш биз учун энг муҳим масаладир”¹³, деб таъкидлагани бу масаланинг ниҳоятда долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Билимли авлод ҳақида фикр юритганда, XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бораётганлигини дунё миқёсида кечаётган глобал муаммоларда ҳам кўриш мумкин. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмақда. Ана шу рақобатнинг марказида ёшлар онги ва тафаккури учун кураш асосий ўринни эгаллайди. Шу ўринда мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнида Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтаришда ёшларни билимли қилиб тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бири эканлиги Президентимизнинг 2017 йилда БМТ бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки, улар 2 млрд.дан зиёдни ташкил этмоқда. Шу ўринда турли хил салбий ҳолатлар ҳам ёшлар билан боғлиқ бўлмоқда. Содир этилаётган барча террористик ҳаракатлар ҳам, асосан, 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда кенг тарқалган гиёҳвандликнинг 90% га яқини ҳам, асосан ёшлар билан боғлиқ.” Шунингдек, бугунги кунда зўравонлик вирусига дучор бўлганларнинг ҳам аксарияти ёшлардир. Босқинчилик, ичкиликбозлик ва шовинизм, антисемитизм иллатлари ҳам, асосан, ёшларнинг дунёқарашидаги салбий ўзгаришларга мойиллиги билан боғлиқдир. Айниқса, интернет орқали кириб келаётган турли хил ноҳуш ҳолатлар ёшлар онгини тобора захарлаб бормоқда ва улар ўзлари яшаб турган жамиятга, давлатга, ўз оила аъзоларига ҳам ва ниҳоят, ўзига қарши

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

ёвузликларни амалга ошираётган турли компьютер ўйинларининг кўлами ҳам ортиб бормоқда.

Иккинчидан, бугунги кунда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар ҳар бир давлатга, умуман, одамзотга таҳдид солаётганлиги сиёсий фанлар докторлари, профессорлар И.Эргашев ва Ш.Пахрутдиновлар илмий тадқиқотларида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ечимлари сиёсий жиҳатдан чуқур илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи ўзининг 60 йилдан кўпроқ меҳнат фаолияти давомида ёшлар билан ишлаган ва уюшмаган ёшлар бўйича бир қатор илмий мақолалар чоп этган. Ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан амалий тавсиялар берган.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Улардан бири ижтимоий адолатни қарор топтиришга йўналтирилган ва уларнинг муқаддас бурчи ҳисобланган айрим мансабдор шахсларнинг ўз мансабларини суниестемол қилаётганлиги бугунги кунда халқимизни, айниқса, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асоси бўлган ва Конституциямизнинг халқ ҳокимиятчилиги, деган тамойили фақат қоғоздагина бўлиб қолаётганлигининг айрим сабаблари таҳлил этилган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалалари”ни тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Фуқаролик жамияти” тушунчасининг сиёсий-фалсафий таҳлили у ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилишининг асосий сабаби кўпчилик учун янги бўлган бу тушунчанинг фуқаролар эркинлиги билан боғлиқлиги эди. Айни пайтда, “фуқаролик жамияти” тушунчасининг сиёсий-фалсафий асослари ҳозиргача аниқ бир концепция сифатида шаклланган эмас. Бунинг асосий сабаби бундай жамият ҳеч қаерда бирон-бир намуна сифатида қайд қилинмаган ёки у тугал ҳолатда учрамайди. Уни бирон-бир қонун ёки олий фармон билан барпо этиб ёки куриб бўлмайди.

2. Жуда кўп тадқиқотлар, махсус рисоаларда қайта-қайта такрорланаётган бир фикрни мутлақо рад этган ҳолда “фуқаролик жамияти атамаси алоҳида тушунча сифатида фанда илк бор Аристотель томонидан илмий ва сиёсий истеъмолга киритилган”¹⁴, деган фикр анча баҳс-мунозарали эканини таъкидлаймиз. Баҳс-мунозараларнинг сабаби шундан иборатки, Аристотелнинг фикрича, қонун барчага баробар эмас. Қонун, энг аввало, эркин фикрни билдиради. У қуллар ва варварларга таалукли эмас. Шундай қилиб, Аристотель қонунни универсал қўлланувчи нарса ҳисобламайди. Демак, у фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг бош принципи асос белгиси ҳисоблаган қонун устуворлигини тан олмайди.

3. Бир гуруҳ тадқиқотчилар “Авесто”да фуқаролик жамиятига хос тўрт хусусият унинг тўртта асосий белгисини кўрсатишга уринадилар. Бундай уринишлар масалани ўта тор маънода тушунишдир.¹⁵

4. Аристотель фикрича, демократик тузум номаъқулдир. У демократия ҳақида фикр юритиб, унинг мулкдорий жамиятини мулкчиликка бўйсундиради. Демократия ҳукмронлик қилган жамиятда ҳокимият кўпчиликнинг қўлида, гарчанд эркин бўлсада барибир муносибларнинг қўлида эмас.

5. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлатни заифлаштириш ёки унинг ўз функцияларини бажаришдан четлаштириш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак.

6. “Давлатнинг иктисодий ёки бошқаришдаги ролини жиддий қамайтириш” дегани давлатнинг фуқаролар ҳаётидан мутлақ бепарқлиги эмас, балки давлатнинг фуқаролари билан муносабатлари жамият томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган ҳуқуқий маконда кечиши тушунилади.

7. Фуқаролик жамиятида давлатнинг роли ва аҳамияти қамаймадлиги, у айрим функцияларни фуқаролик жамияти институтлари ва маҳаллий ҳокимият органларига берса-да, унинг ўз функцияларини бажаришдаги тўла

¹⁴ Қарағ: Хамраев А. Фуқаролик жамиятининг тарихий концепциялари. “Фуқаролик жамияти”. 2004 й. 1-сон, 35-бет.

¹⁵ Қарағ: Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто”да адолатли жамият ғоялари. “Фуқаролик жамияти” 2004 й. 1-сон, 47-49-бетлар.

иштироки ва масъуллиги сақланиб қолишини, балки сифат жиҳатдан ошишини англатади. Демак, ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишини таъминлайди.

8. Фуқаролик жамиятининг кейинги давр ривожланиш йўналишлари ҳақида гап кетганда, аввало, шунини таъкидлаш керакки, XIX-XX асрлар оралиғини фуқаролик жамияти тараққиётида янги босқичнинг бошланган даври, деб ҳисоблаш мумкин. Шу вақтга келиб, саноат ва савдодаги етакчи мавқе хусусий тадбиркорлар ва савдогарлардан индустриал, савдо ва молия корпорациялари ихтиёрига ўтди. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти асослари шаклланишини ўрганишнинг сиёсий-фалсафий муаммолари илмий-назарий хулосалар қилишга имкон беради.

9. Аристотель учун аристократия ва полигия, олигархия ва монархия тизими ҳукмронлик қилаётган тузум-давлатнинг тўғри шакллари бўлиб, унда битта шахс озчилик ёки кўпчилик ҳокимиятдан умумий фойда, манфаатлар йўлда фойдаланади. Аристотель “фуқаролик жамияти” тушунчаси асосчиси бўлиши мумкин эмаслигининг яна бир илмий-сиёсий, фалсафий исботидир. Унинг фикрича, фуқаролик жамиятининг энг асосий устунни булган демократия, тирания ёки олигархия бир хил тенглаштирилган. У тирания ва демократия сиёсий тузумнинг номақбул шакллари бўлиб, унда ҳоҳ бир киши, озчилик ёки кўпчилик ҳукмронлик қилмасин улар ўз манфаатларига хизмат қиладилар. Фуқаролик жамияти ривожланишининг концептуал-методологик асосларини ўрганишда яна бир хулоса – Аристотель монархияни давлат бошқарувида энг мақбул йўл, деб ҳисоблайди.

10. Монархия сиёсий тузумида монарх ўзининг насл-насабига таяниб олийжаноб манфаатлар йўлида хизмат қилади, деган ғояни илгари суради. Давлат бошқарувида монархия тузуми бугунги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Лекин уларнинг аксарияти чекланган монархиядир. Биз демократия деганда, энг аввало, фуқаролик жамиятини тушунамиз. Негаки, чинакам демократиянинг олий мазмун, энг аввало, шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришни тушунамиз. Айнан диссертация ишимизнинг концептуал-методологик асосларининг назарий қисмида ҳозирги замон сиёсат фалсафасида фуқаролик жамиятининг демократик тамойиллар билан диалектик боғлиқлигида эканлиги соғлом демократиясиз фуқаролик жамияти амалиётда шаклланмайди ҳам ўзининг ривожланиш озуқасидан маҳрум бўлади. Шу жиҳатдан, Томас Жефферсоннинг “бир миллат цивилизациясининг муайян босқичида бир пайтнинг ўзида, ўзини жоҳил ва озод бўлиши мумкин, деб фараз этса, бу ҳол ҳеч қачон бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас, нарсани фараз этган бўлади”, деб ёзган фикрлари ҳам фуқаролик жамиятининг демократиядан айри тушуниб бўлмаслигига ишорадир.

11. Бизнингча, демократияга ҳос тўғри асос ва одил жамият ўрнатилиши туфайлигина ўз-ўзидан ишлаб кетувчи бир нарса деб қараш ўта

хавfli, балки демократик ҳукукий давлатни шакллантириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳам жамиятнинг турли табақалари ўртасида ички зиддият ва низоларнинг бўлишига чидамлик, бағрикенглик билан ёндашиш зарур. Ана шундай зарурият “ҳукукий давлат” ва “фуқаролик жамияти” ўртасидаги муносабатларнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганишни тақозо этади. Албатта, фуқаролик жамияти, ниҳоятда, мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодисадир. Шу нуқтаи назардан, унинг концептуал-методологик асосларини иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва маънавий йўналишларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Лекин, фикримизча, уларнинг ҳар бир йўналишларини алоҳида-алоҳида ўрганиш ҳозирги глобаллашув даврида юз бераётгани ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатлар туб моҳиятини тушуниб етишга олиб келмайди.

12. Фуқаролик жамияти ривожланишининг иқтисодий асосини хусусий мулк билан боғлиқ ҳолда қабул қилмаган мазкур масала баҳс-мунозарали жараён Аристотель билан Афлотун ўртасидаги тортишувдан бошланади. Сиёсий-фалсафий таълимотлардан маълумки, Афлотун хусусий мулкчиликда ижтимоий зулми кўрса, Аристотель унги қарши чиқади, унингча, мулк айланмасисиз давлатни хусусий мулкчиликни бекор қилиш билан қуриб бўлмайди. Чунки, умумий ишни барча бир-бирига ағдаради, барчага тааллуқли умумий нарсага қайгуради, деган хулосага келади. Бу хулоса собиқ иттифоқ давлатлари иқтисодий негиздаги ўзгаришлар билан тасдиқланади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Бироқ, хусусий мулк бўлмаган давлат ва жамият билан фақат номулкчи муносабатларни қарор топтириш имкони бўлмаган фуқароларнинг ҳолати нима бўлади? Шу ўринда яна Аристотелнинг сиёсий-фалсафий қарашларига мурожаат қилиш зарур. Унинг фикрича, Афлотун таъкидлаганидек, мулкчиликда эмас, балки инсон эҳтиёж ва хоҳишларининг чексизлигидандир.

13. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти концепцияларидаги иккинчи илмий камчилик жамият аъзоларининг айримларида очкўзлик психологиясининг шаклланиши айрим оддий фуқароларда, айниқса, зиёлиларимизда мулкдорларга бўлган муносабатнинг салбий ҳолатлари ҳам мавжуд. Шу ўринда фуқаролик жамиятида ҳам бойлар, ҳам ўта камбағаллар бўлмаган тақдирдагина унинг ривожланиши оптималлашади. Қолган ҳолларда одамлар дунёқарашдаги салбий ҳолатлар кучайиши ва уларнинг бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилган жамиятларда ҳам кўплаб норозилик сабаблари ҳам ўз моҳиятини тўғри топиши керак.

14. Сўнгги вақтларда Ғарб мамлакатларида ҳам, ислом оламидаги энг йирик давлатларда ҳам норозилик ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда, хусусан, бунини Франциядаги йиллаб давом этаётган норозиликларда ҳам қўришимиз мумкин. Бугунги кунда энг ривожланган демократик давлатлардан тортиб то ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо

этаётган барча давлатларда очкузлик, эгоизм, молпарастлик шу даражага етдики, жамиятдаги обрўини ҳам мулк, бойлик билан белгилаш удумга айланмоқда. Бу эса фуқаролик жамиятининг концептуал-методологик асосларидан бири бўлган маънавий-ахлоқий асосларни заифлаштирмоқда. Фуқаролик жамиятининг маънавий-ахлоқий асослари заифлашган жойда ҳар қандай қонунларнинг ишлаш механизми бузилади, қонун устуворлиги принципи одамлар онгида, дунёқаршида бошқача талқин этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

НОРБОЕВ ТУРА

**КОНЦЕПТУАЛЬНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.01 – Политическая теория и философия.
История и методология политических учений

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)

ТАШКЕНТ-2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.3.DSc/Siyos20.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский) на сайте Научного совета по адресу: www.sf-ik.uz и на Информационно-образовательном портале по веб-адресу: www.ziyounet.uz.

Научный консультант:

Эргашев Ибодулла

доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Гойибназаров Шухрат Гойибназарович

доктор политических наук, профессор

Жураев Нарзулла Косимович

доктор политических наук, профессор

Идилов Улугбек Юсупович

доктор политических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный

педагогический университет

Защита докторской диссертации состоится «17» 04 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: (100174, г. Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, email: info@nuu.uz).


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 20). Адрес: 100174, Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, дом 4. Тел. (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24, email: info@nuu.uz


Автореферат диссертации разослан «14» 04 2021 года.


Автореферат диссертации разослан 14.04 2021 г.

(Протокол реестра рассылки № 5 в 2021 году «14» 04)




Ш.И.Пахрурдинов,
Председатель Научного совета по
присуждению учёной степени,
доктор политических наук, профессор


К.М.Мирзаахмедов,
Секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, доктор
философских наук, PhD


Б.И.Туйчиев,
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc) наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке во многих странах мира особое внимание уделяется ускорению демократических процессов, а также концептуальным и методологическим вопросам развития гражданского общества, возрастает практика использования эффективных механизмов в деятельности демократических институтов государства. В результате, построение правового демократического государства, основанного на свободных рыночных отношениях, а также развитие и дальнейшее совершенствование основ гражданского общества остаются одной из наиболее актуальных проблем для большинства развивающихся стран мира. В частности, важным направлением является постоянная модернизация системы государственного и общественного управления с учетом сущности современных общественно-политических процессов.

В настоящее время исследовательские центры во многих странах мира проводят исследования по дальнейшей демократизации общества и изучают концептуальные и методологические вопросы развития гражданского общества. В то же время существуют концептуальные взгляды на социальное партнерство и сотрудничество на методологической основе парадигм «национальное развитие», «национальные модели», «политическая модернизация», «гражданское общество» в современном стремительно развивающемся процессе глобализации и модернизации в социальной, экономической и духовной сферах. Они ориентированы на демократизацию страны, совершенствование концептуальной и методологической базы развития гражданского общества и создание эффективных механизмов ее реализации, разработку универсальных моделей при сохранении национальной идентичности.

В Узбекистане проводятся широкомасштабные политические реформы, связанные с развитием гражданского общества, реформированием и модернизацией страны. В связи с этим важность данного вопроса отражается в том, что одним из приоритетов, обозначенных в Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, является демократизация государственного управления и разработка организационно-правовой базы для развития гражданского общества. «Построение гражданского общества, расширение свобод и инициатив наших граждан, их участие в общественной жизни нашей страны и впредь будут важными направлениями развития политической системы Узбекистана».¹⁶ Поэтому политико-философское исследование совершенствования концептуально-

¹⁶ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт рўшониши қатъий билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2017. 44-б.

методологической базы развития гражданского общества в нашей стране, и её реализация на практике имеет научное и теоретическое значение.

Эта исследовательская работа в определенной степени способствует выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5185 от 8 сентября 2017 года «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан», УП-5430 от 4 мая 2018 г. «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны», № УП-5975 от 26 марта 2020 г. «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики по экономическому развитию и сокращению бедности», УП № 6013 от 29 июня 2020 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан», Постановлений № ПП-4501 от 30 октября 2019 г. «О мерах по поддержке деятельности Центра развития гражданского общества», ПП-4699 от 28 апреля 2020 г. «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6181 от 4 марта 2021 года. “Об утверждении Концепции развития гражданского общества в 2021-2025 годах”, и в других нормативно-правовых документах по данной сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Исследование проводилось в рамках приоритетного направления инновационного развития науки и технологий Республики «Разработка научных основ для дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.¹⁷

Научные исследования, посвященные становлению и развитию гражданского общества, имманентным особенностям общественного сознания и концептуально-методологической основе закономерностей изменения общества проводятся в таких ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях за рубежом, как: Институт исследования общественного мнения Гэллапа, Центр исследования гражданского общества Университета имени Джона Хопкинса (США), Институт современного искусства (Англия), Азиатский институт стратегии и лидерства (Малайзия), Фонд гражданского общества Фридриха Эберта, Берлинский центр

¹⁷ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk/nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org> <https://ru.wikipedia.org> <https://ru.wikipedia.org> <https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.uni-freiburg.de, www.csis.org, www.iips.org/en/; riss.ru; www.chinacenter.net; www.kisi.kz; uzstrateg.info; www.ifs.uni-frankfurt.de; centralasiaprogram.org; www.dba.uz; www.uzhistory.uz; www.nuu.uz; www.tuit.uz и др.

